

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА РАҶНО АБДУМҮМИНОВНА

**СЕРБАРГЛИ ИТТИКАНАК (*BIDENS FRONDOSA L.*) ЎСИМЛИГИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

Абдуллаева Раъно Абдумүминовна

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигини фармакогностик
ўрганиш..... 3

Абдуллаева Раъно Абдумүминовна

Фармакогностическое изучение череды оливковой
(*Bidens frondosa* L.)..... 21

Abdullaeva Rano Abdumuminovna

Pharmacognostic study of *Bidens frondosa* L. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА РАҶНО АБДУМҮМИНОВНА

**СЕРБАРГЛИ ИТТИКАНАК (*BIDENS FRONDOSA L.*) ЎСИМЛИГИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Far99 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаida (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарманова Нодира Тахировна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Закирджан Абидович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Нишашибаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 рақамили Илмий кенгашнинг 2026 йил «9 » январ соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-й). Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-й). Тел.: (99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2025 йил «22 » декабр куни тарқатилди.
(2025 йил «22 » декабр даги 82 рақамили реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

Ё.С.Карниева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда дунё ахолисининг 1/5 қисми яллиғланиш касалликларига чалиниши, уларнинг асоратлари эса сурункали касалликлар, аллергик реакциялар ва ҳатто эрта ўлимга олиб келиши, муаммони нафақат тиббий, балки иқтисодий ва ижтимоий долзарбилигини намоён қиласди. Шу муносабат билан яллиғланишга қарши, иммуномодулятор, антиоксидант ва антибактериал таъсирга эга табиий бирикмаларга фармацевтика саноатида талаб юқори бўлиб, таркибида биологик фаол моддаларга бой ўсимлик турларини аниқлаш, улардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ҳамда фармацевтика саноатига тавсия этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда дунё миқёсида табиий ўсимлик хом ашёлари асосида яллиғланишга қарши таъсирни намоён этувчи самарали, безарар дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш, уларни сифат ва миқдорий таҳлилларини амалга ошириш, идентификация қилиш, турли фармакологик тадқиқотларини олиб бориш ҳамда меъёрий хужжатларни тасдиқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада яллиғланишга қарши таъсирли маҳаллий ўсимлик хом ашёларини ассортиментини кенгайтириш, уларни чуқур фармакогностик ўрганиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамида фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида маҳаллий доривор ўсимликлар таркибини аниқлаш, уларни замонавий физик–кимёвий усуллар ёрдамида стандартлаш ҳамда улар асосида дори препаратларини ишлаб чиқиши бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 январдаги ПФ-13-сон фармонига биноан, фармацевтик корхоналарга илғор хорижий амалиёт ва стандартларни татбиқ этишга кўмаклашиш, уларга хом ашё базаларини шакллантиришда ташаббускор тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда доривор ўсимликларнинг 5 та намунавий плантацияларини ташкил этиш ва 2026 йил якунига қадар ушбу плантацияларда етиштирилган доривор ўсимликларни қайта ишлаш лойиҳалари ишга туширилиши каби устувор вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигидан оқилона фойдаланиш мақсадида, маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида фитопрепаратлар таркибини ишлаб чиқиши, унинг асосида иқтисодий жиҳатдан арzon, сифат кўрсаткичлари бўйича халқаро меъёрий хужжатлар талабларига жавоб берадиган, экспортбоп, юқори самарадорликка эга фитопрепаратлар номенклатурасини кенгайтириш ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 29 январь 2025 йилдаги ПФ-13-сон Фармони

сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланиши ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 23 январдаги ПФ-20-сон «Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг Ўзбекистонда тарқалиши, нави, тури ва популяциясини ўрганиш борасида И.И.Мальцев, К.Ш.Тожибаев, Х.К.Эсанов, Т.Х. Маҳкамов каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ўсимликнинг биоэкологик хусусиятлари, Евроосиё қитъасида маҳаллийлашиши ва тарқалиш тарихи, иккиламчи диапазонда бутурнинг морфологик хилма-хиллиги ва онтогенези, поя, барг ва тўпгулларининг морфологик хусусиятлари ҳамда популяцион тавсифи, ҳосилдорлиги, кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини ўрганишда J.L.Strother, R.R.Weedon, K.Zhang, F. Danusco, G. Zanin, M.Brandel, A. Moradi, Le Jiamei, Wenquan Lu, Xiaojuan Xiong, Zhijun Wu, Wansheng Chen, D.A. Ronzhina, Д.А. Коновалов, Н.В.Корожан, О.В. Молчан, М.А. Джус, Т.А. Скуратович, В.О. Петринчик, Е.А.Глазкова, Ю.К. Виноградова, Н.В.Васильева, В.Г.Папченков, М.А.Галкина ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотлари аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация иши сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсини ҳамда унинг асосидаги биологик фаол қўшимчани тиббиёт амалиётига татбиқ этиш бўйича биринчи илмий тадқиқот хисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситалари яратиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда инвазив тур бўлган сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигини тиббиёт амалиётида қўллаш ва

унинг асосида яллиғланишга қарши самарадор дори воситаси ҳамда биологик фаол қўшимчани яратиш имкониятини асослаш учун фармакогностик аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмини ўрганишни мақсадга мувофиқлигини асослаш учун қиёсий адабиётлар таҳлилини ўтказиш;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол бирикмалар асосий гурухларининг фитокимёвий таҳлилини ўтказиш ва уларнинг микдорини аниқлаш;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсининг фармакологик фаоллигини белгиловчи асосий таъсир этувчи моддаларни (флавоноидлар ва полисахаридлар) чуқур кимёвий таҳлилини олиб бориш;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёси таркибидаги асосий биофаол моддаларнинг тўпланиш динамикасини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида хом ашё тайёрлашнинг мўътадил муддатларини белгилаш;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг морфолого-анатомик белгиларини ўрганиш, хом ашёниң чинлик ва сифат кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

стандартлаш меъёрларини белгилаш асосида меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистонда инвазив тур бўлган сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг ер устки қисми олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг ўзига хос фаоллигини намоён қилувчи бирикмаларни фитокимёвий таҳлили ва стандартлаш кўрсаткичлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясида келтирилган фармакогностик, физик-кимёвий таҳлил усулларидан юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), юқори самарали суюқлик хроматографияли масс-спектроскопияси (ЮССХ-МС), газ хроматографияси (ГХ), индуктив боғланган плазмали масс-спектроскопияси, шунингдек, микробиологик ва математик-статистика ҳамда клиник олди тадқиқотларда қўлланиладиган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг хом ашёси таркибидаги биологик фаол бирикмалардан флавоноидлар, полисахаридлар, аскорбин кислотаси, каротиноидлар, танидлар, аминокислоталар, макро- ва микроэлементларнинг табиати ва микдори аниқланган;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсини стандартлаш учун ўзига хос бўлган морфолого-анатомик диагностик аҳамиятга эга белгилари (барглардаги кўплаб анамоцит турдаги оғизчалар, оддий туклар, секретор йўллар, гулларда эпидермис хужайраларининг эгри-бугри ўсимтали, қат-қат кутикула қавати, тўқ сариқ рангли томчи шаклидаги каротиноидлар) ва унинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлари аниқланган;

хом ашёнинг экологик тозалиги ва қўллашдаги хавфсизлигини асослаш учун микробиологик тозалиги, таркибидаги оғир металлар, радионуклиидлар ва пестициidlар миқдори аниқланган;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигини турли ривожланиш даврларида флавоноидлар таркиби ва миқдорини ўзгариш динамикаси аниқланиб, ўсимлик қийғос гуллаган даврида максимал даражада бўлиши исботланган;

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисми асосида олинган «Қорақиз» биологик фаол қўшимчасининг чинлик ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсининг яллиғланишга қарши фаоллиги официнал тур - уч бўлакли иттиканак (*Bidens tripartita* L.) дан кам эмаслиги клиник олди тадқиқотларда исботланган;

ўсимлик хом ашёси стандарт ҳолатга келтирилган, сақлашнинг мўътадил муддатлари белгиланган ҳамда хом ашёни тайёрлаш жараёнидан бошлаб 2,5 йил давомида қўллаш мумкинлиги тажрибавий исботланган;

тиббиёт амалиётiga татбиқ этиш мақсадида «Қорақиз» биологик фаол қўшимчасига «Гербофарм» ХК билан ҳамкорликда меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий фармакогностик, кимёвий, физик, математик-статистик таҳлил усуллари ва фармакологик тадқиқотлардан фойдаланилганлиги, шунингдек, олинган натижалар амалиётга татбиқ қилиш жараёнида синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти импорт ўрнини босувчи яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсини сонли кўрсаткичлари ва анатомо-диагностик белгилари ҳамда таркибидаги биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий табиати аниқланганлиги, шунингдек уларнинг миқдорий таҳлили учун замонавий, юқори сезгирилик ва аниқликка эга бўлган СФ, ЮССХ, ЮССХ-МС каби усусларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисми» учун «Гербофарм» ХК билан ҳамкорликда корхона фармакопея мақоласи лойихаси ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётida қўллаш учун ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасига рўйхатдан ўтказиш

учун тақдим этилганлиги билан изоҳланади, ушбу ҳужжатнинг тасдиқланиши яллиғланишга қарши таъсирли дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигини фармакогностик ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сербаргли иттиканак ер устки қисми (*Herba Bidens frondosae*)» янги доривор ўсимлик хом ашёси учун корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ ҳузуриданаги «Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази» Давлат муассасасининг 2025 йил 12 мартағи №41/11-3977-сон хати, ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжат тасдиқланиши яллиғланишга қарши янги фитопрепаратлар ишлаб чиқариш имконини беради;

«Қорақиз» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома (ТИ 15842845-06:2025) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада «Гербофарм» ХК да яллиғланишга қарши қўлланиладиган маҳаллий БФҚ лар ассортиментини кенгайтириш имкониятини берган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг специфик фармакологик фаоллиги, ўткир ва ним ўткир токсиклиги, кумулятив хоссаларни намоён этмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада мазкур ўсимлик хом ашёсининг самарадорлиги ва безаарлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объект

ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, шунингдек тадқиқот натижаларининг нашрларда чоп этилиши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Иттиканак (*Bidens*) туркуми ўсимликларининг био-экологик хусусиятлари, кимёвий таркиби ва биологик фаоллиги» деб номланган биринчи боби сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг систематик жойлашуви, ботаник баёни, биологик хусусиятлари ва экологик-географик тавсифи, кимёвий бирикмалари, биологик фаоллигини ўз ичига олган адабиётлар шархини қамраб олган.

Диссертациянинг «Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигини фитокимёвий ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида обьектни йиғиш ва таҳлилга тайёрлаш, тадқиқот усуллари, қўлланилган асбоб ва ускуналар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг кимёвий таркиби, хусусан ўсимлик хом ашёсини биологик фаол моддалари асосий гуруҳларини идентификация қилиш ва микдорини аниқлашга оид маълумотлар баён этилган.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг ер устки қисмидан биологик фаол моддаларни дастлабки идентификацияси сувли ва спиртли экстрактлар билан сифат реакциялари ҳамда қофоз (ҚХ) ва сорбентнинг юпқа қатлам (ЮҚХ) хроматографияси усулларидан фойдаланиб ўтказилган. Кимёвий таҳлилда қўлланилган реактивлар Давлат Фармакопеясида кўрсатилган усуллар бўйича тайёрланган.

Таҳлил натижасида бирламчи биосинтез бирикмаларидан моновиа полисахаридлар, аминокислоталар, витаминалар аниқланган. Иккиламчи биосинтез бирикмалари flavonoidлар ва танидларлардан иборат эканлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг кимёвий таркиби

Биологик фаол моддалар	Идентификация қилинган бирикмалар
Моносахаридлар	глюкоза, арабиноза, сахароза, фруктоза, ксилоза, галактоза
Полисахаридлар	СЭПС, ПМ, ГМЦ
Витаминалар	аскорбин кислотаси, каротиноидлар (β -каротин)
Флавоноидлар	лютеолин-7-глюкозид, кверцетин, рутин, халконлар ва б.
Танидлар	галл ва эллаг кислоталари

Жумладан, аминокислоталарнинг табиати ва таркибини аниқлаш спектрофотометрик детекторли Agilent Technologies 1200 хроматографида ЮССХ усулида амалга оширилди, бунда Discovery HS C₁₈ сорбенти билан тўлдирилган 75x4,6 mm ўлчамдаги хроматографик устундан фойдаланилди. Хроматографик таҳлил градиентли элюирлаш режимида ўтказилди. Қўзғалувчан фаза «A» - 0,14 моль/л натрий ацетати ва 0,05% триэтиламин (рН 6,4). Қўзғалувчан фаза «B» - ацетонитрил. Элюент узатиш тезлиги 1,2 мл/дақиқа, тўлқин узунлиги 269 нм.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги поясида 16,40 мг/г (гистидин 33,20%, пролин 2,19%, цистеин 2,10%), барларида 27,99 мг/г, (гистидин 17,26%, лизин 4,72%, цистеин 3,40%), гулларида 64,07%, (пролин 38,59%, лизин 10,0%, глутамин 9,76%), уруғларида 9,57%, (лизин 46,97%, глутамин 7,07%, пролин 6,29%), ер устки қисмида 29,22 мг/г (пролин 39,81%, гистидин 7,83%, тирозин 5,03%) аминокислоталари мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг аминокислоталари

Аминокислоталар	Барлар	Гуллар	Поялар	Уруғлар
	Концентрация (мг/г)			
1	2	3	4	5
Аспарагин кислотаси	0,683286	1,248981	0,08498	0,227971
Глутамин кислотаси	0,824716	1,3657	0,13398	0,111286
Серин	0,264349	1,071747	0,16614	0,155293
Глицин	0,141228	1,068766	0,04595	0,22124
Аспарагин	0,286311	2,955013	0,2124	0,351864
Глутамин	1,149734	6,255976	0,33831	0,676959
Цистеин	3,403279	1,711475	2,10929	0,468852
Треонин*	1,158358	1,310525	1,61909	0,119257
Аргинин*	0,823618	3,064935	1,99698	0,151314
Аланин	2,93749	1,892085	0,35204	0,234178
Пролин	0,546337	24,73036	2,19903	0,602824
Тирозин	0,711196	1,286684	0,24936	0,061917
Валин*	1,409547	2,711766	0,30313	0,052904
Метионин*	0,562723	0,292509	0,11415	0,207788
Гистидин	4,832094	1,561338	5,44857	0,30855
Изолейцин*	1,033667	1,738885	0,47648	0,18607
Лейцин*	1,393374	1,784175	0,33773	0,397234
Триптофан*	0,799205	1,044621	0,11644	0,268643
Фенилаланин*	0,310073	0,567759	0,07322	0,271642
Лизин*	4,721242	6,413026	0,03106	4,495992
Умумий масса	27,99183	64,07633	16,4084	9,57178

*Изоҳ:**- алмашинмайдиган аминокислоталар

Шуни таъкидлаш керакки, аниқланган 20 та аминокислотадан 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталар бўлиб, бу ўрганилаётган хом ашёнинг юқори терапевтик самарадорлик қийматини тасдиқлайди ва унинг асосида комплекс таъсир кўрсатувчи янги дори шаклларини яратиш имконини беради.

Элемент таркибини ўрганиши. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмидаги макро- ва микроэлементлар миқдорий таркибини (ICP MS) индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усули ёрдамида аниқланди. Ўрганилаётган ўсимлик намунасида 61 та кимёвий элементлар аниқланиб, уларнинг макроэлементлар таркиби K, Ca, Mg, P ва Na дан иборат эканлиги қайд этилди. Фойдали макро- ва микроэлементлар билан бир қаторда токсик оғир металлардан Cd (0,098 ppm), Pb (2,58 ppm) ва Hg (0,38 ppm) тегишли меъёрий ҳужжатларда ва санитария меъёrlарида рухсат этилган миқдордан ошмаслиги аниқланди. Аниқланган минерал

моддаларнинг қолган қисмлари микроэлементларга тегишли бўлиб, миқдори бўйича Fe, Mn, Cu, Zn, Cr, Ni, Mo, Li, Se, V, Co устунлик қилади.

Каротиноидларни аниқлаш. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) таркибидаги каротиноидларни СФ усулида 450 нм тўлқин узунлигига аниқланаб, солиштирувчи эритма сифатида гександан фойдаланилди. Хом ашё таркибида каротиноидлар миқдори 11,68 мг/% ни ташкил этди.

Витамин С (аскорбин кислотасини) аниқлаш. Сувда эрувчи витаминалардан аскорбин кислотасининг миқдори ЮССХ усулида, қуидаги хроматография шароитларида: устун Exclipse XDB C₁₈, 5 мкм, 4,6 x250мм, оқим тезлиги - 0,8 мл/дақиқа, элюент - ацетатли буфер ацетонитрил, диод матрициали детектор (DAD) 250 нм да аниқланди. Сербаргли иттиканак хом ашёси таркибида аскорбин кислотаси миқдори 14,83 мг/г ни ташкил этди.

Ошловчи моддаларни аниқлаш. ЮССХ усулида Agilent-1200 хроматографининг градиент насосли, устун Exclipse XDB C₁₈ (қайтар-фазали), 5 мкм, 4,6 x250мм, диод матрициали детектор (DAD), 254 нм, 272 нм да амалга оширилди. Натижада хом ашё таркибида ошловчи моддалардан 0,04 мг/г галл кислотаси ва 7,87 мг/г эллаг кислотаси мавжудлиги аниқланди.

Диссертация ишининг «Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмидаги асосий таъсир этувчи бирикмалардан flavonoидлар ва полисахаридларнинг чуқур кимёвий таҳлили» номли учинчи бобида flavonoид ва полисахаридларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилди.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёси таркибидаги flavonoидлар йиғиндисининг таркиби ва миқдори ўсимликнинг 4 хил вегетация даврлари (ювенил, ғунчалаш, гуллаш ва уруғ ҳосил қилган) да ЮССХ-МС (LC-MS) усулида аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

LC-MS таҳлили учун намуналарнинг экстракция шартлари ва тайёрланган эритмалар концентрацияси

Намуна	JP1	BP1	FP1	SP1	JP2	BP2	FP2	SP2	JP3	BP3	FP3	SP3
Оғирлиги, мг	30.6	27.0	33.6	28.2	33.6	32.6	21.2	27.2	24.0	22.2	23.6	27.0
Эритувчи, мкл	1193	1053	1310	1100	1310	1271	827	1061	936	866	920	1053
Экстрагент: C ₂ H ₅ OH:H ₂ O												
Нисбати: 50:50												
Ички стандарт*: 2 мкМ												
Концентрация, мг/мкл: 0.025												

**Ички стандарт (Internal Standard) - 2 мкМ сульфадиметоксин*

Бланк (соғ экстрагент)- C₂H₅OH:H₂O (50:50)+ 2 мкМ сульфадиметоксин

JP-(juvenile period)- ювенил даври

BP-(budding period)-ғунчалаш даври

FP-(flowering period)- гуллаган даври

SP-(seed period) уруғ ҳосил қилган даври

Намуналардан олинган ажратмалар тасодифий тартибда Elute ўта юқори самарали суюқлик хроматографияси (UHPLC) тизими, Impact II 4 қутбли юқори резолюцияли ва юқори аниқликка эга бўлган квадрупол (time-of-flight) (QTOF-MS) қурилмаси (Bruker Daltonics, Германия) ёрдамида таҳлил 12

қилинди. Бирлаштирилган сифат назорати (QC) ва бланк намуналар таҳлили ҳар 4 та биологик намунадан кейин олиб борилди.

LC-MS усулининг шароитлари: хроматографик ажратиш 40°C да қайтар фазали Intensity Solo 2 C₁₈ устуни (100 Å, 2 μm, 100 mm × 2,1 mm, Bruker Daltonics, Германия) ва ундан олдинги ACQUITY UPLC BEH C₁₈ VanGuard бошланғич устуни (130 Å, 1.7 μm, 2.1 mm × 5 mm, Waters Corporation, Milford, MA, АҚШ) ёрдамида амалга оширилди. Қўзғалувчан фаза доимий оқим тезлиги 0,3 мл/дақиқа бўлган A эритувчи (Milli-Q сув + 0,1% чумоли кислотаси, Merck, Германия) ва эритувчи B (ацетонитрил + 0,1% чумоли кислотаси, hypergrade LiChrosolv®, Merck, Германия) лардан иборат бўлди.

МС усулининг шароитлари: ESI (positive polarity) - масса спектрлари мусбат электроспрей ионизация, газ ҳарорати - 220°C, сканерлаш тури - MS Scan, пуркагич тезлиги- 12 гц спектрал тезлиқда, масса зарядлари - 20-1300 m/z, маълумотларни йиғиши - OtofControl v5.2 ва Bruker Compass HyStar v5.1 (Bruker Daltonics, Германия) дастурлари.

Таҳлил натижаларига кўра, ўсимликда аниқланган аксарият флавоноидларниниг микдори ювенил, ғунчалаш ва гуллаган даврларида ортиб бориши ҳамда уруглаш даврида эса камайиши кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

Идентификацияланган флавоноидларниниг ушланиш даври бўйича ўртача қиймати*


№	Флавоноидлар номи	Ривожланиш фазаси			
		JP	BP	FP	SP
1	Лютеолин	432218.0	476668.3	562945.3	28477.0
2	Бутеин	221070.7	187042.0	246306.3	191389.0
3	2',3,4,4',6'-Пентагидроксихалкон	103958.7	86066.3	81865.3	61865.0
4	3',4',7-Тригидроксифлавон	100526.7	69323.0	124181.7	158788.3
5	4,4'-Диметокси-2'-гидроксихалкон	99007.7	117043.0	92595.3	44069.3
6	5,3',4'-Тригидроксифлавон	87748.0	104153.3	103294.0	60831.0
7	Апигенин	61019.7	90810.7	94137.7	61744.0
8	Апигенин-4'-глюкозид	58057.7	51849.7	52980.0	38669.7
9	Халкон	51522.3	64696.3	64858.3	52934.3
10	Цианидин 3-(6"-ацетилглюкозид)	49281.7	37008.0	41222.3	41712.0
11	Эриодиктиол	34787.3	50302.3	54237.7	35714.3
12	Генистин	33284.7	39200.7	50124.7	46544.3
13	Гиспидулозид	31937.0	22670.7	27173.0	47999.3
14	Гомобутеин	26777.0	24351.0	31128.0	32621.3
15	Гомоэриодиктиол	26238.7	31255.3	27543.7	12898.0
16	Гидроксизофлавон	25179.0	19609.0	27698.7	53047.3
17	Гиполетин	22320.3	21929.3	22738.0	12592.3
18	Изооканинглюкозид	21996.3	30377.3	36639.0	26626.0
19	Изокверцетин	21287.0	22768.0	27070.7	51342.0
20	Изорамнетин 3-(6"-ацетил-глюкозид)	20252.3	22873.3	31255.0	23679.7
21	Кемпферол 7-О-глюкозид	18800.7	19883.0	22236.0	22032.0
22	Ланцеолин	18796.0	22116.0	22019.0	18740.3

4-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
23	Лютеолин 7-глюкуронид	17954.3	14608.7	20803.3	31504.7
24	Лютеолин 7-метил эфири	14404.7	9907.0	18066.0	56446.3
25	Малонилгенистин	12429.7	10682.7	7046.0	15505.0
26	Нарингенин 7-O-глюкозид 6"-ацетат	12263.0	8696.0	14949.0	29856.3
27	Нарингенин -7-O-глюкозид	11953.0	15165.7	21551.0	53857.3
28	Оканин	10988.0	16573.0	19188.0	17232.3
29	Оканин 4-метил эфир 4'-(6"-ацетил-глюкозид)	10739.0	13151.3	14857.0	5769.7
30	Оканин 4'-(6"-ацетилглюкозид)	10653.3	18915.3	15920.0	28852.0
31	Оканин 4'-(6"-Р-кумарилглюкозид)	9715.7	9495.0	11166.0	8743.3
32	Патулетин 3-(6"-ацетилглюкозид)	9421.3	12811.3	18038.7	24779.3
33	Прунин	8724.0	6698.7	6034.0	35986.7
34	Кверцетагетин -7-O-глюкозид	8381.7	7311.0	12212.3	14916.3
35	Кверцетин 3-(б-кафеилгалоктозид)	7649.0	10678.0	13386.3	9283.3
36	Кверцетин 3-(6"-малонил-глюкозид)	6822.7	6480.7	10350.3	27652.0
37	Скутеллярин А	4892.3	10769.7	4319.0	459.0

*учта аниқлаш натижаларининг ўртача қиймати

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги таркибидаги айrim флавоноидларнинг турли вегетация даврларидағи түпланиш динамикаси 1-расмда көлтирилган. Көлтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг ер устки қисмини ўсимлик гуллаган даврда йиғиши мақсадга мувофиқ, чунки ушбу даврда флавоноидлар йиғиндиси энг кўп қийматга эга бўлади.



1-расм. *Bidens frondosa* L. ўсимлиги флавоноидларининг түпланиш динамикаси.

а-флавоноидлар йиғиндиси; б-лютеолин; в-лютеолин 7-метил эфир; г-апигенин.

Изланишларнинг кейинги босқичида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги таркибидаги флавоноидларнинг миқдорий таҳлили ўсимликнинг турли қисмларида (поя, барглар, гуллар ва ер устки қисми) ЮССХ усулида аниқланди. Тадқиқотлар учун ўсимликнинг ер устки қисми, гуллари, барглари ва пояларидан алоҳида ажратмалар тайёрланди. Хроматография Agilent Technologies (АҚШ) компаниясининг «Agilent 1200

series» русумли суюқлик хроматографида «Chemstation 09.03.a» дастурий таъминот ёрдамида, изократик насос ва спектрофотометрик детектор қўлланган ҳолда амалга оширилди. Ажратиш 5 мкм ли заррачаларга эга бўлган Zorbax Eclipse C₁₈ сорбенти билан тўлдирилган 4,6×150 мм ўлчамдаги устунда олиб борилди. Қўзгалувчан фаза сифатида 0,3% фосфат кислотаси ва метанол қўлланилди. Детектор тўлқин узунлиги 357-370 нм да амалга оширилди, бу мос равишда рутин ва кверцетин учун характерли L_{max} нукталар ҳисобланади. Юқоридаги жадвал асосида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги таркибидаги flavonoidlar микдори рутин бўйича 0,0745-0,9438 мг/мл ва кверцетин бўйича 0,0131-0,3744 мг/мл оралиғида эканлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги таркибидаги flavonoidlar микдорининг ЮССХ усулида аниқлаш натижалари

Ўсимликнинг таркибий қисмлари	Флавоноидлар микдори, мг/мл	
	рутин бўйича	кверцетин бўйича
поялари	0,0745	0,0131
барглари	0,6441	0,0448
гуллари	0,1393	0,3744
ер устки қисми	0,9438	0,2142

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёси таркибидан полисахаридларнинг қуйидаги фракциялари - совуқ сувда эрувчи полисахаридлар (СЭПС-С); иссиқ сувда эрувчи полисахаридлар (СЭПС-И); пектин моддалар (ПМ); гемицеллюлоза (ГМЦ-А ва Б) ажратиб олинди. Ушбу жараён 2-расмда келтирилган чизмалар асосида олиб борилди.


Ажратиб олинган полисахаридларнинг моносахаридлар таркиби гидролиздан кейин ГХ усулида аниқланди. Улар рамноза (ГМЦ-А,Б), арабиноза, ксилоза (СЭПС-С, СЭПС-И, ПМ, ГМЦ-А,Б), глюкоза ва галактоза (СЭПС-С, СЭПС-И, ГМЦ-А,Б) лардан иборат бўлиб, ПМ таркибida эса кўп микдорда арабиноза ва оз микдорда ксилоза учрайди. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмидаги полисахаридларнинг моносахарид таркиби 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Полисахаридларнинг унуми ва уларнинг моносахарид таркиби

ПС тури	Унуми, %	Моносахарид қолдиқларининг нисбати						UA, КХ	Н _{нисб} (1% э-ма)
		Rha	Ara	Xyl	Man	Glc	Gal		
СЭПС - С	7,3	-	2,0	1,0	-	2,5	3,0	-	2,5
СЭПС - И	8,1	-	2,5	1,0	-	3,0	2,5	-	3,2
ПМ	4,8	-	3,0	1,0	-	-	-	+	38
ГМЦ - А	1,0	1,0	2,0	5,0	-	3,0	1,5	+	1,07
ГМЦ - Б	2,5	1,0	2,5	4,0	-	3,5	2,0	+	1,25

Сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддаларининг титриметрик кўрсаткичлари алоҳида эритмаларни фенолфталеин индикатори иштирокида титрлаш усули билан аниқланди (7-жадвал).



2-расм. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёси таркибидаги полисахаридларни ажратиб олиш чизмаси

***Bidens frondosa* L.нинг сувда эрувчан полисахаридлари ва пектин
моддаларининг титриметрик кўрсаткичлари**

ПС таркибий қисмлари	K _c , %	K _s , %	K _{ум} , %	λ*
СЭПС	20,3	4,5	24,8	18,1
ПМ	21,6	8,1	29,7	27,3

Изоҳ. K_c – эркин карбонил гуруҳлари, K_s – боғланган карбонил гуруҳлари, K_{ум} – умумий карбонил гуруҳлари, λ – эфирланиши даражаси.


Ушбу ажратиб олинган полисахаридлар ИК-спектроскопия усулида идентификация қилинди. Намуналарнинг ИК-спектрларини Фурье ИК-спектрометрида (Perkin-Elmer фирмаси) қайд қилинди.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) СЭПС нинг ИК-спектрида 3289 см⁻¹ да -ОН гуруҳларининг валент тебранишларини тавсифловчи интенсив ютилиш зонаси мавжуд. Камроқ интенсив зоналар, хусусан 2326 см⁻¹ оралиғида, гидроксилларнинг валент тебранишларини ютишини кўрсатади. ПМнинг ИК-спектрида 3202 см⁻¹ оралиғида -ОН гуруҳига хос бўлган кенг ютилиш зонаси мавжуд. Кейинги ютилиш зоналари карбоксил гуруҳининг карбонил қисмига хос бўлиб, 1598 ва 1428 см⁻¹ металлар билан боғланган ионлашган карбоксил гуруҳининг ютилиш зоналарига мос келади.

ГМЦ нинг ИК-спектрида 3252 см⁻¹ да кенг интенсив ютилиш зонаси, шунингдек, 2935 см⁻¹ да камроқ интенсивликдаги ютилиш зонаси кузатилиб, улар деформацион симметрик ва асимметрик СН-гуруҳларининг тебранишларига хос. 1570 ва 1407 см⁻¹ оралиғидаги ютилиш зоналари ионлашган карбоксил (СОО-) гуруҳига хос эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмини стандартлаш» номли тўртинчи бобида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш учун зарур бўлган стандартлаш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Тавсия этилаётган хом ашёнинг чинлиги ташқи ва анатомик-диагностик белгилари ёрдамида аниқланди. Хом ашёнинг макроскопик таҳлилида кузатилган белгилар адабиётда келтирилган маълумотларга мос келди.

Олиб борилган микроскопик тадқиқотлар натижасида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) баргларининг эпидермиси бироз чўзилган, эгри-буғри деворли ҳужайралардан ташкил топиши, бу ҳолат баргнинг пастки қисмida яққолроқ намоён бўлиши, барг томирлари устидаги эпидермис ҳужайралари эса тўғри деворли эканлиги кузатилди (З-расм). Оғизчалар баргнинг ҳар икки томонида учрайди, улар эпидермисда ботик ҳолда жойлашган бўлиб, 3–4 та эпидермис ҳужайралари билан ўралган (аномоцит тур). Бироқ оғизчаларнинг зичлиги баргнинг пастки қисмida анча юқори: юқори эпидермисда 1 мм² га 0 дан 14 тагача, пастки эпидермисда эса 1 мм² га 200 тадан ортиқ. Барг қирраларида юмалоқ шаклдаги сув оғизчалари – гидатодалар кузатилади. Барглари оддий ва кўп ҳужайрали туклар билан қопланган. Биринчи турдаги оддий туклар ингичка деворли, пиллақуртсимон шаклда бўлиб, одатда 10 тадан ортиқ ҳужайралардан ташкил топган.



3-расм. Сербаргли иттиканак(*Bidens frondosa* L.) ўсимлигининг барг микроскопияси(100x):

а-барг юзасидан тайёрланган микропрепарат, юқори эпидермис; б-пастки эпидермис, томирдаги оддий туклар, в-оддий пиллақуртсимон туклар, г-оддий қалин деворли туклар.

Уларнинг узунлиги 200 дан 600 мкм гача. Бу туклар асосий қисми кенгайган базал (остки) хужайра ва юқори қисмда бир неча ингичка деворли, деярли шаффофф хужайралардан ташкил топган. Улар баргнинг ҳар икки томонида, айниқса томирлар устида жойлашган бўлиб, пастки эпидермисда бундай туклар кўпроқ ва уларнинг ўлчами ҳам каттароқ (3,б-расм). Иккинчи турдаги туклар эса қалин деворли бўлиб, З дан 9 тагача хужайрадан иборат. Улар кўп хужайрали асосга эга бўлиб, кутикуласи аниқ ифодаланган тўлқинсимон қатлам ҳосил қиласди. Бу туклар асосан барг четлари бўйлаб жойлашган, узунлиги тахминан 150 дан 250 мкм гача (3,в-расм).

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг специфик биологик фаоллиги аввало полисахаридлар миқдорига боғлиқ, шунинг учун хом ашёнинг кимёвий стандартизациясини айнан шу табиий бирикмалар бўйича гравиметрия усулида ўтказилди. Олинган натижалар асосида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисми таркибида полисахаридларнинг миқдори 3,5% кам бўлмаслиги керак деб белгиланди.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсини сифатини белгиловчи кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг доривор ўсимликлар хом ашёсини стандартлашга оид умумий фармакопея мақолалари кўрсатмаларига биноан ишлаб чиқилди. Хом ашёнинг товаршунослик таҳлили натижалари асосида олинган сонли кўрсаткичлар меъёри 8-жадвалда келтирилган.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa L.*) ер устки қисмининг сонли кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Хом ашё меъёри, %	
		бутун	майдаланган
1.	Полисахаридлар миқдори, %, кам бўлмаслиги керак	3,5	3,5
2.	Намлиги, %, кўп бўлмаслиги керак	13,0	13,0
3.	Умумий кул, %, кўп бўлмаслиги керак	14,0	14,0
4.	Хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган кул, %, кўп бўлмаслиги керак	1,0	1,0
5.	Тешикларининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган қисмлари, %, кўп бўлмаслиги керак	-	10,0
6.	Тешикларининг диаметри 0,5 мм бўлган элакдан ўтадиган қисмлари, %, кўп бўлмаслиги керак	-	15,0
7.	Органик аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	3,0	3,0
8.	Минерал аралашмалар, %, кўп бўлмаслиги керак	1,0	1,0

Хом ашё турғунлигини табиий шароитларда ўрганилди. Бунда 3 йил мобайнида хом ашёдаги полисахаридлар миқдори деярли ўзгармади. Шунинг учун хом ашёни тайёрланган вақтдан бошлаб 2,5 йил давомида қўллаш тавсия этилди.

Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa L.*) ер устки қисми экологик тозалиги, яъни микробиологик тозалиги, токсик оғир металлар, пестициidlар ва радионуклиидлар миқдори аниқланди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa L.*) ер устки қисми кўрсаткичлари белгиланган меъёрларга мос келиши ва ундан кейинчалик дори воситалари олишда фойдаланиш учун мутлақо хавфсиз эканлиги аниқланди.

Доривор ўсимлик хом ашёсидан олинадиган дори турлари ассортиментини кенгайтириш мақсадида сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa L.*) ўти асосида «Гербофарм» ХК мутахассислари билан ҳамкорликда «Қорақиз» БФҚси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар натижасида, сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa L.*) ер устки қисми сифат кўрсаткичлари талабларини асослаш учун натижалар олинди. Олинган маълумотлар асосида «Гербофарм» ХК билан биргаликда корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси (КФМ) ишлаб чиқилди ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВ хузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига тақдим этилди. «Гербофарм» ХК билан биргаликда «Қорақиз» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома (ТИ 15842845-06:2025) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон доривор ўсимликлари ассортиментини кенгайтириш мақсадида илк бор сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги фармакогностик жиҳатдан чуқур ўрганилди ва яллиғланишга қарши дори воситаси сифатида тиббиёт амалиётида қўллаш учун тавсия этилди.

2. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмини ўзига хос биологик фаоллигини белгиловчи биофаол бирикмалардан flavonoидлар, полисахаридлар, витаминлар, ошловчи моддалар, аминокислоталар, макро- ва микроэлементларнинг фитокимёвий таҳлили ўтказилиб, уларнинг таркиб ва миқдори белгиланди.

3. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) хом ашёсини фармакологик фаоллигини белгиловчи асосий таъсир этувчи моддалари СФ, ЮССХ ва ЮССХ-МС каби замонавий таҳлил усуслари ёрдамида чуқур кимёвий таҳлил қилинди. Ўсимлик таркибидаги flavonoидларнинг миқдори, унинг турли органлари (поя, барг, гул ва ер устки қисми)да ЮССХ усулида, рутин бўйича 0,0745-0,9438 мг/мл ва кверцетин бўйича 0,0131-0,3744 мг/мл оралифида эканлиги аниқланди. Хом ашё таркибидаги полисахаридлар СЭПС-С, СЭПС-И, ПМ, ГМЦ-А ва Б фракцияларига бўлинган ҳолда ўрганилиб, уларнинг унуми СЭПС-С учун 7,3% ни, СЭПС-И учун эса -8,1 % ни ташкил қилгани исботланди.

4. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ўсимлиги flavonoидлар йигиндининг тўпланиш динамикаси ўсимликнинг 4 хил вегетация даврларида ЮССХ-МС (LC-MS) усулида ўрганилиб, flavonoидлар таркибидаги 37 та компонентларнинг энг кўп миқдори ва хом ашё тайёрлашнинг энг мўътадил муддати ўсимлик гуллаган даврига тўғри келиши исботланди.

5. Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисмининг морфолого-анатомик тузилишини ўрганиш натижасида чинлигини тасдиқловчи белгилари аниқланди. Хом ашёни товаршунослик ва кимёвий таҳлил натижаларига кўра, унинг сифатини белгиловчи қўрсаткичлар меъёри ишлаб чиқилди. Хом ашёнинг яллиғланишга қарши фаоллиги официнал тур - уч бўлакли иттиканак (*Bidens tripartita* L.) дан кам эмаслиги клиник олди тадқиқотларда исботланди.

6. Тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида, сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисми учун «Қорақиз» биологик фаол қўшимчаси меъёрий ҳужжатлари (ТИ 15842845-06:2025) «Гербофарм» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланди. «Сербаргли иттиканак (*Bidens frondosa* L.) ер устки қисми» доривор ўсимлик хом ашёсига корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази»га рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

АБДУЛЛАЕВА РАЬНО АБДУМУМИНОВНА

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ЧЕРЕДЫ ОЛИСТВЕННОЙ
(*BIDENS FRONDOSA L.*)**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.1.PhD/Far99.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Фарманова Нодира Тахировна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юлдашев Закирджан Абидович
доктор фармацевтических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
доктор химических наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация:

**Узбекский научно-исследовательский
институт химии и фармацевтики**

Защита диссертации состоится «9 декабря» 2026 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер № 101). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «22 декабря» 2025 года.
(Реестр протокола рассылки № 101 от «22 декабря» 2025 года).



К.С.Ризаев

Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.м.н., профессор

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь Научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного
семинара при Научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным ВОЗ, в последние годы воспалительными заболеваниями страдает 1/5 часть населения мира, а их осложнения приводят к хроническим заболеваниям, аллергическим реакциям и даже преждевременной смерти, что демонстрирует актуальность данной проблемы не только в медицинском, но и в экономическом и социальном аспектах. В связи с этим, в фармацевтической промышленности существует высокий спрос на природные соединения, обладающие противовоспалительным, иммуномодулирующим, антиоксидантным и антибактериальным действием, а выявление видов растений, богатых биологически активными веществами, выделение из них этих веществ и их рекомендация для использования в фармацевтической промышленности имеет важное значение.

В настоящее время на мировом уровне проводятся научные исследования, направленные на создание эффективных и безопасных лекарственных средств и биологически активных добавок (БАД) противовоспалительного действия на основе природного растительного сырья, проведение их качественного и количественного анализа, идентификации, различных фармакологических исследований, а также утверждение нормативных документов. В этом направлении особое внимание уделяется расширению ассортимента местного растительного сырья с противовоспалительным действием, его глубокому фармакогностическому изучению и внедрению в медицинскую практику.

В рамках реформ, проводимых в фармацевтической сфере нашей Республики, достигнуты определенные результаты в изучении состава местных лекарственных растений, их стандартизации с применением современных физико-химических методов, а также в разработке на их основе лекарственных препаратов. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан № УП-13 от 28 января 2025 года определены приоритетные задачи, такие как содействие внедрению передового зарубежного опыта и стандартов на фармацевтических предприятиях, организация 5-образцовых плантаций лекарственных растений с привлечением инициативных предпринимательских субъектов для формирования сырьевой базы, а также запуск до конца 2026 года проектов по переработке лекарственных растений, выращенных на этих плантациях¹. В этой связи, с целью рационального использования череды олиственной (*Bidens frondosa* L.), большое значение имеет разработка состава фитопрепаратов на основе местного растительного сырья и расширение экономически доступной номенклатуры фитопрепаратов, соответствующих международным нормативным требованиям по качеству, обладающих экспортным потенциалом, высокой эффективностью, а также их внедрение на отечественные фармацевтические предприятия.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2025 года № УП-13 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической промышленности»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-251 от 20 мая 2022 года «О мерах по организации культурного выращивания, переработки и широкого использования лекарственных растений в лечении», указах Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022–2026 годах», № УП-139 от 20 мая 2022 года «О мерах по созданию цепочки добавленной стоимости за счет эффективного использования сырьевой базы лекарственных растений и поддержки их переработки», № УП-20 от 23 января 2024 года «О дополнительных мерах по регулированию фармацевтической отрасли» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В нашей стране важное значение имеют научные исследования таких ученых, как И.И.Мальцев, К.Ш.Тожибаев, Х.К.Эсанов и Т.Х.Махкамов по изучению распространения в Узбекистане, видового состава и популяций растения череды олиственной (*Bidens frondosa* L.).

В мировом масштабе, значительный вклад в изучение биоэкологических особенностей, истории распространения и локализации в Евразийском континенте, морфологической особенности и онтогенеза этого вида во вторичном ареале, морфологических характеристик стебля, листьев и соцветий, а также популяционных особенностей, урожайности, химическом составе и биологической активности данного растения внесли учёные J.L.Strother, R.R.Weedon, K. Zhang, F. Danusco, G. Zanin, M.Brandel, A. Moradi, Le Jiamei, Wenquan Lu, Xiaojuan Xiong, Zhijun Wu, Wansheng Chen, D.A. Ronzhina, Д.А. Коновалов, Н.В.Корожан, О.В. Молчан, М.А. Джус, Т.А. Скуратович, В.О. Петринчик, Е.А.Глазкова, Ю.К. Виноградова, Н.В.Васильева, В.Г.Папченков, М.А.Галкина и др.

Данная диссертационная работа является первым научным исследованием, которая посвящена внедрению в медицинскую практику сырья череды олиственной (*Bidens frondosa* L.) и БАД на его основе.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего учебного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Создание оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений и их внедрение в медицинскую практику».

Целью исследования является фармакогностическое изучение растения

